

«Т А С Д И Қ Л А Н Г А Н»

**«Ўзкимёсаноат» АЖ
Кузатув кенгашининг
2021 йил 11 октябрдаги
3-сон баёни билан**

**«ЎЗКИМЁСАНОАТ» АЖнинг
2021 йил учун
БИЗНЕС РЕЖАСИ**

Тошкент – 2021

МУНДАРИЖА

1.	«Ўзкимёсаноат» АЖ таркибий ўзгаришлари ҳақида	3
2.	Саноатнинг мавжуд ва прогноз салоҳияти	7
3.	Бозор ва маркетинг концепцияси	12
4.	2020 йилнинг асосий натижалари	19
5.	2021 йил учун асосий вазифалар	20
6.	2021 йилги молиявий кўрсаткичлар прогнози	24

1. «Ўзкимёсаноат» АЖ таркибий ўзгаришлари ҳақида

Кимё саноати корхоналари ва ташкилотларини бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда улар фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини ошириш, тармоқ корхоналарини акциялаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, кимё ишлаб чиқаришини ривожлантириш, техника билан қайта жиҳозлаш ва замонавийлаштириш учун хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг “Кимё саноатини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2001 йил 13 мартдаги 124-сон қарори билан “Ўзкимёсаноат” кимё саноати корхоналари уюшмаси тугатилди ва унинг ўрнига “Ўзкимёсаноат” давлат акциядорлик компанияси ташкил қилинди.

2004 йилда минерал ўғитлар ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича тўлиқ тузилмани яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг «Кимё саноати корхоналарини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалигига агрокимё хизмати кўрсатишни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 23 январдаги 33-сон қарорига мувофиқ «Ўзқишлоқхўжаликкимё» ДАК тугатилиб, «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси таркибига «Қишлоқхўжаликкимё» ҲАЖ киритилди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси ташкилий тузилмасини қисман ўзгартириш тўғрисида» 2004 йил 31 мартдаги 154-сон ва «Машинасозлик тармогини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 5 майдаги 208-сон қарорларига асосан «Ўзкимёсаноат» ДАКнинг таркибига «Электрохимзаавод» ҚК АЖ ва «Тошкент кимё илмий-тадқиқот институти» ДУК қўшилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сон Фармонига мувофиқ «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси «Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамияти деб номланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўсимликларни химоя қилиш ва қишлоқ хўжалигига агрокимёвий хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 24 октябрдаги ПҚ-2640-сон қарорига мувофиқ «Ўзагрокимёхимоя» АЖ ташкил этилди. «Ўзкимёсаноат» АЖ таркибидан 13 та «Қишлоқхўжаликкимё» ҲАЖ чиқарилиб, «Ўзагрокимёхимоя» АЖ таркибига киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзкимёсаноат» АЖ бошқарув тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 12 апрелдаги ПҚ-2884-сон қарори билан «Ўзкимёсаноат» АЖ ташкилий тузилмаси тасдиқланди ва жамиятнинг асосий вазифалари ва фаолияти белгилаб берилди:

ишлаб чиқариш сарф-харажатлари ва кимё корхоналари томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар таннархи даражасига таъсир ўтказувчи омилларни чуқур таҳлил этиш, ресурс ва энергия тежайдиган замонавий технология ва ускуналарни, ишлаб чиқариш жараёнлари ва сотувларни бошқаришнинг энг янги электрон-ахборот тизимларини жорий этиш,

маҳсулотларнинг материаллар сиғимини камайтириш, бошқарув ходимлари сонини ва ноишлаб чиқариш сарф-харажатларини оптималлаштириш ҳисобига ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулотлар таннархини тубдан пасайтириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

тармоқда ишлаб чиқаришни янада диверсификациялашга, мамлакат минерал хом ашё ресурслари захираларини тобора чуқурроқ қайта ишлашга, юқори қўшилган қийматли харидоргир сифатли кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ва тармоқ корхоналарида технологик хавфсизликни таъминлайдиган юқори технологияли замонавий ускуналар ва инновацион технологияларни тармоққа кенг жорий этишга йўналтирилган ягона техник сиёсатни амалга ошириш;

кимё саноати маҳсулотларининг жаҳон конъюнктураси тенденцияларини чуқур ўрганиш ва бунинг асосида жаҳон бозорларида харидоргир бўлган кимё буюмларининг хилма-хил турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, маҳаллий маҳсулотларни янги ташқи бозорларга олиб чиқиш;

импорт бўйича республикага олиб келинаётган кимё маҳсулотларини таҳлил қилиш ва кимё ишлаб чиқаришларини маҳаллийлаштириш даражасини муттасил чуқурлаштириб бориш, тармоқлараро саноат кооперациясини, шу жумладан, кичик тадбиркорлик субъектлари билан республикамизнинг йирик корхоналари ўртасида кооперация алоқаларини кенгайтириш;

республика қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини агротехнология нормаларига мувофиқ мутаносиб нисбатдаги азот, фосфор, калий ва комплекс ўғитлар билан барқарор таъминлаш;

фаол инвестиция сиёсатини юритиш, лойиҳа ишлари, уларнинг экспертизасини такомиллаштириш, тармоққа тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш;

«Ўзкимёсаноат» АЖ тузилмасига кирувчи акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини оширишга кўмаклашиш, уларда замонавий корпоратив бошқарув усулларини жорий этиш ва такомиллаштириш;

янги рақобатдош, инновацион технологиялар, маҳсулот турлари яратиш ва жорий этишга, маҳсулотга энергия ва ресурс сарфини камайтиришга, ишлаб чиқариш харажатларини қисқартиришга йўналтирилган илмий тадқиқотлар, шу жумладан, тармоқлараро илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш;

замонавий корпоратив бошқарув усулларини эгаллаган, бозор шароитларида ишларни самарали ташкил эта оладиган муҳандис-техник ва бошқарув кадрлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 августдаги №ПҚ-3246-сон "Кимё саноати ташкилотларининг экспорт-импорт фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарори билан Ўзкимёсаноат "АЖ тизимида ташқи савдо компанияси —

"Ўзкимёимпэкс" МЧЖнинг экспорт-импорт операциялари бўйича ягона агент ташкил этилган бўлиб, унинг асосий вазифалари белгиланган:

чуқур маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, кимё саноати маҳсулотига жаҳон конъюнктураси тенденцияларини ўрганиш ва шу асосда маҳсулот сотиладиган истиқболли хорижий бозорларни аниқлаш ва экспортга маҳсулот етказиб бериш географиясини кенгайтириш;

маҳаллий корхоналар ишлаб чиқарадиган маҳсулотларни ташқи бозорларга олиб чиқиш, шу жумладан замонавий логистика тизимини кенг татбиқ этиш, чет элларда савдо уйлари ва ваколатхоналар ташкил этиш, уларга консигнация ва бошқа шакллардаги шартномалар асосида товарлар жўнатиб туриш йўли билан шундай маҳсулотларни хориж бозорларида сотишни кенгайтириш;

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ўтказиладиган тендер (танлов) савдоларида, халқаро савдо-саноат кўргазмаларида, ярмарка ва бошқа шунга ўхшаш тадбирларда маҳсулотни кенг намойиш этишни таъминлаш ва унинг сотилишини рағбатлантириш, кимё соҳасининг экспорт салоҳияти тўғрисидаги ахборотни оммалаштириш;

«Ўзкимёсаноат» АЖ ташкилотларининг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун белгиланган тартибда чет эллардан ускуналар, эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар, хомашё ва материаллар товарлар, хизматлар харид қилишни ташкиллаштириш;

ишончли хорижий харидорлар билан узоқ муддатли ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш, кимёвий маҳсулотлар экспорти ҳамда «Ўзкимёсаноат» АЖ ташкилотларининг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун зарур бўлган ускуналар, эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар, хомашё ва материаллар импорти бўйича улар билан шартномалар тузиш;

маҳсулотнинг янги турларини ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш бўйича таклифлар ва маркетинг ҳисоботларини тайёрлаган ҳолда кимё саноати маҳсулотларига бўлган талаб тенденциялари ва маҳсулот сотиладиган истиқболли бозорларни ўрганиб чиқиш;

кимё саноати маҳсулотларининг нархларини таҳлил қилиш, ташқи бозорларнинг ўзгарувчан конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда энг фойдали нархда ва йўналишларда маҳсулот етказиб бериш бўйича шартномалар тузиш;

экспорт бўйича сотилган маҳсулотлар учун маблағларнинг ўз вақтида келиб тушишини, шунингдек, импорт қилинаётган ускуналар, эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар, хомашё ва материаллар шартномада кўрсатилган муддатларда етказиб берилишини таъминлаш;

«Ўзкимёсаноат» АЖ ташкилотларига уларнинг маҳсулотларини экспортга чиқаришда, экспорт олдидан молиялаштириш шаклида, шу жумладан, тижорат банкларининг кредитларини жалб этиш ҳисобига ташкилотларни аванс билан таъминлаш орқали уларга кўмаклашиш;

миллий ва жаҳон бозорларининг ўзгараётган конъюнктурасига тезкор муносабат билдирмоқ, экспортчи корхоналар ишлаб чиқарадиган маҳсулотларга чет эллардан салоҳиятли харидорларни излаш, кимё маҳсулотларини экспортга чиқаришда замонавий логистика тизимини кенг жорий этиш, шунингдек маҳаллий корхоналарда рақобатдош, экспортга йўналтирилган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга хорижий ҳамкорлар буюртмаларини жойлаштириш;

мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган кимё саноат маҳсулотларини ташқи бозорларда ҳимоя қилиш, жумладан, маҳсулот белгисидан ва бошқа интеллектуал мулк объектларидан фойдаланиш орқали бўладиган ноҳалол рақобатчиликка қарши ҳаракат қилиш;

«Ўзкимёсаноат» АЖ ташкилотларининг бўш турган ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қайта ишлаш (толлинг) операцияларини амалга ошириш бўйича хорижий компанияларни жалб этиш.

Белгиланган Дастурни амалда бажариш, кимё саноатини ривожлантириш ва диверсификациялашни жадаллаштириш, биринчи навбатда давлат активларини хусусий мулкка сотиш орқали корхоналардаги давлат улушини камайтириш ҳисобига саноатнинг инвестиция жозибадорлигини ошириш мақсадида кимё саноатида ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш бўйича тадбирлар режаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва инвестиция жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон қарори билан тасдиқланди ва қуйидагилар асосий вазифалар этиб белгиланди:

тармоқнинг айрим корхоналари активларини маҳаллий ва хорижий инвесторларга сотиш орқали амалдаги ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш ва кенгайтиришга тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш;

«Ўзкимёсаноат» АЖ ташкилий тузилмасини такомиллаштириш ва жамият бошқаруви органларининг мустақиллиги ва масъулиятини оширишга қаратилган корпоратив бошқарувнинг замонавий услубларини жорий этиш;

кимё тармоғи корхоналарининг фаолияти самарадорлигини ошириш ва молиявий ҳолатини янада яхшилаш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 февралдаги ПҚ-4992-сон “Кимё саноати корхоналарини янада ислоҳ қилиш ва молиявий соғломлаштириш, юқори қўшилган қийматли кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори билан Ўзбекистон иқтисодиётини ислоҳ қилишнинг янги шароитида кимё саноатини ривожлантиришни стратегик жиҳатдан ислоҳ қилиш, кимё саноатини ўзгартиришнинг асосий узоқ муддатли стратегик йўналишлари белгиланди, шу жумладан:

технологик трансформация — маҳаллий хом ашёдан ярим тайёр маҳсулотларни, шу жумладан органик синтез ва нанотехнологиялар орқали ишлаб чиқаришнинг янги қувватлари негизида хом ашёдан тайёр маҳсулотгача бўлган кўп поғонали қўшилган қиймат занжирларини яратиш. Бунда, қайта ишланмаган хом ашё (табиий газ, саноат тузлари, пахта целлюлозаси, сирка кислотаси ва бошқалар) ресурсларини мамлакат ҳудудида чуқур қайта ишлашни ташкил этиш орқали уларни хом ашё сифатида экспорт қилинишини босқичма-босқич қисқартириш;

хўжалик муносабатлари тизимини трансформация қилиш — биринчи навбатда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар билан кимё саноати корхоналари ўртасидаги муносабатлар соҳасида давлат томонидан аралашувга чек қўйиш ва эскича режа-тақсимлаш тизимидан батамом воз кечиш;

мулкый муносабатлар тизимини трансформация қилиш — соҳада янги ишлаб чиқариш қувватларини яратишга хусусий капитални, шу жумладан, хорижий инвестицияларни жалб қилиш орқали кимё корхоналарида давлат улушини кескин камайтириш ва кимё саноати корхоналарини хусусийлаштириш, шунингдек, корхоналар фаолиятига давлат ҳокимияти органлари аралашувининг олдини олиш;

рақамли трансформация — молиявий, моддий ва кадрларга оид ресурслар ҳаракатини бошқариш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни маркировкалаш, молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари асосида бухгалтерия ҳисобини юритиш тизимларини жорий этиш учун соҳага замонавий дастурий таъминот тизимларини татбиқ этиш;

илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги муносабатлар трансформацияси — инновация жараёнларини ташкил этиш, замонавий технологияларни трансфер қилиш бўйича илғор хорижий тажрибалар асосида фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг янги тизимини йўлга қўйиш;

кадрлар тайёрлаш тизимининг трансформацияси — соҳада кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш, шунингдек, мавжуд ва янги барпо этиладиган ишлаб чиқариш қувватларини юқори малакали маҳаллий ва хорижий мутахассислар билан таъминлаш.

2. Саноатнинг мавжуд ва прогноз салоҳияти

Ўзбекистон кимё саноати мамлакат иқтисодиётининг узоқ муддатли ва барқарор ривожланишига замин яратадиган асосий сегментларидан биридир. Айнан кимё саноати деярли барча тармоқларни хом ашё, турли материаллар ва маҳсулотларни етказиб берувчиси бўлиб, уларнинг ривожланиш кўлами, йўналиши ва самарадорлигига сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон бозорида қатор йирик корхоналар фаолият юритмоқда, масалан «Навоийазот» АЖ, «Максам-Чирчиқ» АЖ, «Фарғонаазот» АЖ, «Аммофос-Максам» АЖ, «Деҳқонобод калий заводи» АЖ, «Қўнғирот сода заводи» МЧЖ, «Биринчи резинотехника заводи» МЧЖ ва бошқалар.

Ўзбекистонда кимё саноатининг ишбилармонлик жозибадорлигининг асосий омиллари, аввало, зарур хом ашё, малакали меҳнат ресурслари, ривожланган алоқа тармоғи, банк ва юридик хизматлар тармоғи ҳамда нисбатан арзон энергия манбалари ҳисобланади.

Ташкил қилинганидан бошлаб Ўзбекистон кимё саноати биринчи навбатда минерал ўғитлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган эди. Ўзбекистон Республикасида кимё саноати корхоналарини ҳар томонлама ривожлантириш, иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичининг устувор миллий вазифалари билан боғлиқ.

Бугунги кунда кимё саноати муҳим ишлаб чиқариш, хом ашё ва илмий-техник салоҳиятга эга. Бу республика саноат ишлаб чиқаришининг қарийб 2 фоизини ташкил этади. Соҳада иш билан банд бўлганлар сони 30 минг кишига яқин ташкил қилади.

Ишлаб чиқарилаётган кимёвий маҳсулотлар иқтисодиётнинг кўплаб тармоқлари эҳтиёжлари учун етказиб берилади: қишлоқ хўжалиги (минерал ўғитлар, дефолиантлар, кимёвий ўсимликларни ҳимоя қилиш маҳсулотлари), мебель саноати (формалин, карбамид, карбамид-формалдегид смоласи), кон-металлургия саноати (натрий цианиди, полиакриламидлар, тиомочевина, нитрат кислотаси, аммиакли сув), электрон ва электротехник саноати (эпоксид смоласи), нефть ва газ саноати (унифлок, К-9 маҳсулоти, бурғилаш реагенти), қурилиш саноати (кальцийланган сода, натрий нитрати), озик-овқат саноати (сирка кислотаси) ва бошқалар.

«Ўзкимёсаноат» АЖ корхоналарини ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар турига кўра, қуйидаги асосий ишлаб чиқариш мажмуаларига ажратиш мумкин:

минерал ўғитлар ишлаб чиқариш комплекси;

энергетика, олтин қазиб олиш, кимё саноати учун ноорганик моддалар ва кимёвий реагентлар ишлаб чиқариш мажмуаси;

ўсимликларни ҳимоя қилувчи кимёвий воситалар ишлаб чиқариши;

кальцийланган сода ишлаб чиқариши;

полимер ва резина буюмлар ишлаб чиқариши.

Ҳозирги кунда «Ўзкимёсаноат» АЖ корхоналарида 170 дан ортиқ турдаги кимёвий маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Ҳозирги босқичда саноатнинг асосий вазифаси, айниқса, муҳим турдаги маҳсулотлар учун хом ашё мустақиллигига эришиш учун янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш орқали хомашё импорти ҳажмини

сезиларли даражада камайтиришдир. Ушбу мақсадга эришиш экспорт қилинадиган маҳсулотлар турини кенгайтириш ва рақобатбардошлигини ошириш, маҳаллий ресурслардан фойдаланиш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини техник қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш, чет эллик шериклар билан қўшма корхоналар ташкил этиш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш орқали саноатнинг экспорт салоҳиятини оширишни ўз ичига олади. Саноатнинг замонавий тузилиши асосини ишлаб чиқарилган минерал ўғитлар, биринчи навбатда, азот ва фосфорли ўғитлар ишлаб чиқариш ташкил қилади, бу саноат ялпи маҳсулотининг ярмидан кўпини ташкил этади.

Сўнгги йилларда синтетик материаллар ва полимерларни ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари ишлаб чиқариш жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда.

Ҳозирги кунда соҳа корхоналарида модернизация, ишлаб чиқариш цехларини қайта жиҳозлаш ва юқори технологиялар асосида ускуналарни янгилаш ишлари олиб борилмоқда.

Жаҳон бозорида рақобатбардош, кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган замонавий корхоналарни яратиш ва мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш ва реконструкция қилиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш, шу жумладан хорижий ва ички инвестицияларни жалб қилиш орқали фосфорли ўғитлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш яқин келажакда кимё саноатини ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишлари бўлиб қолмоқда.

Умуман олганда, Ўзбекистон саноатининг асосий таркибий қисмларидан бири бўлган кимё саноатини ривожлантириш учун кенг истиқболли имкониятлар мавжудлигини таъкидлаш мумкин. Шу билан бирга, замонавий юқори технологияли ишлаб чиқаришларни яратишга, шунингдек маҳсулотлар учун янги бозорларни ривожлантиришга йўналтирилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун дунёнинг етакчи ишлаб чиқарувчиларини жалб қилиш муҳим йўналиш бўлиб қолмоқда.

Мустақиллик йилларида республикада қатор янги объектлар фойдаланишга топширилди, шу муносабат билан турдош тармоқлар учун хомашё базасини ривожлантириш зарурати юзага келди.

Тошкент вилоятида «Ангрен» махсус саноат зонаси ташкил этилиши билан «Конвейер ленталари, қишлоқ хўжалиги ва автомобил шиналари ишлаб чиқаришни ташкил этиш» лойиҳасини амалга ошириш учун ноёб имконият пайдо бўлди. Завод қурилиши Хитойнинг «Поли Течнологиес2 компанияси томонидан амалга оширилди. Объектнинг биринчи босқичи 2018 йилнинг декабр ойида фойдаланишга топширилди.

Ушбу лойиҳа нафақат маҳаллий «GM-Ўзбекистон» автомобиль ишлаб чиқарувчисини автомобиль шиналари билан таъминлаш, балки қўшни

мамлакатларга маҳсулот экспорт қилиш, қўшимча малакали иш ўринлари яратиш имконини беради.

Бугунги кунда “Биринчи резинотехника заводи” Марказий Осиёда ягона шина маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиси ҳисобланади. Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати 3 миллион дона автомобил шинаси, 200 минг дона қишлоқ хўжалиги шинаси ва 100 минг дона конвеер тасмасини ташкил этади.

Саноатдаги энг йирик корхона «Навоийазот» АЖда:

2019 йилнинг декабрида 100 минг тонна ПВХ, 75 минг тонна каустик сода ишлаб чиқариш мажмуаси ишга туширилди;

2020 йилнинг биринчи ярмида йилига 500 минг тонна қувватга эга нитрат кислота ишлаб чиқариш йўлга қўйилди;

2020 йилнинг декабр ойида қуввати 660 минг тонна бўлган аммиак ва йилига 577,5 минг тонна сиғимга эга карбамид ишлаб чиқариш мажмуаси ишга туширилди.

Халқ хўжалиги тармоқларининг кимё маҳсулотларига бўлган талаби ортиб бораётганини инобатга олиб, 2021 йилда янги ишлаб чиқариш объектларини ташкил этиш режалаштирилмоқда, жўмладан:

"Навоийазот" АЖда метанол асосида карбамид-формалдегид концентрати (КФК-85) ва карбамид-формалдегид смоласи;

«СЭНТРАЛ АЗИА ЧЕМИКАЛ» МЧЖ да натрий лаурет сульфат (ЛСН), чизиқли алкилбензенесулфоник кислота (ЛАБСК) ва ювиш кукунлари;

"Максам-Чирчиқ" АЖда ванадий катализатори;

бурғилаш, қурилиш, озиқ-овқат ва тиббиёт саноати учун карбоксиметилселлюлоза асосидаги реагентлар;

"Тошкент кислород заводи" Давлат унитар корхонаси негизида тиббий кислород.

Айни пайтда «Ўзкимёсаноат» АЖ корхоналари кимёвий маҳсулотларининг қарийб 30 фоизини Жануби-Шарқий Осиё, Хитой, Эрон бозорларига, шунингдек қўшни мамлакатларга экспорт қилмоқда.

Шу билан бирга, кимёвий маҳсулотлар турлари ва ассортиментини кенгайтириш, маҳаллий хом ашё асосида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, ишлаб чиқариш таннархини пасайтириш бўйича мавжуд имкониятлар тўлиқ қўлланилмаяпти ва республика қишлоқ хўжалигида фосфорли ўғитларга бўлган эҳтиёж қондирилмай қолмоқда.

Кимё саноатини янада диверсификация қилиш, янги ишлаб чиқаришларни яратишга тўғридан-тўғри сармояларни жалб қилиш ҳамда ички ва ташқи бозорда талаб қилинадиган маҳсулотлар турини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва инвестиция жозибадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида» 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон қарори билан «2019-2030 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури»

тасдиқланди. Унда иқтисодиёт тармоқларида талаб катта бўлган янги турдаги кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун улар асосида ишлаб чиқариш кластерлари яратиш билан саноат корхоналарининг мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш кўзда тутилган.

Республика иқтисодиётини жадал ривожлантириш учун инновацион кимёвий технологияларни ривожлантириш, жаҳон стандартлари даражасига жавоб берадиган лойиҳалаш ишларини амалга ошириш, шунингдек кимё соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш учун инфратузилма ва тегишли шароитлар яратиш талаб этилади ҳамда соҳада илмий салоҳиятни ошириш.

Касбий маҳорат ва билим даражасини ошириш, ривожланган илмий ва ишлаб чиқариш алоқаларини шакллантириш, кимё соҳасида фанни ривожлантириш бўйича хорижий тажрибаларни жалб қилиш, илмий салоҳиятни кимё соҳасидаги инновацион ишланмаларга жалб қилиш мақсадида фанларни ишлаб чиқиш, илмий ғояларни ривожлантириш, фан, дизайн ва ишлаб чиқариш ўртасида яқин алоқаларни ўрнатиш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сон қарорига биноан Корея тадқиқот институти билан ҳамкорликда Кимёвий технологиялар ташкилоти (КРИКТ) томонидан «Кимё технологиялари илмий-тадқиқот институти» ва «Ўзкимёсаноатлойиҳа» АЖ негизида илмий-лойиҳалаш институти – Кимё технологиялари марказини яратиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 февралдаги ПҚ-4992-сонли қарорига асосан "Навоийазот" АЖ, "Фарғонаазот" АЖ негизида ва Қорақалпоғистон Республикасида жами учта кимёвий кластерини ташкил этиш режалаштирилган.

Ҳозирги кунда хорижий инвесторлар билан ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра "Навоийазот" АЖ кимёвий кластерида умумий қиймати 2,6 млрд. долларлик бўлган 16 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш ва маҳаллий аҳоли учун 1863 та янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилган.

Қорақалпоғистон Республикаси саноат кластерида умумий қиймати 686,7 миллион долларлик 3 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш ва 920 та янги иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган.

"Фарғонаазот" АЖ саноат кластерида умумий қиймати 334,4 млн. долларлик 4 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш ва 425 та янги иш ўринлари яратиш режалаштирилган.

Юқорида қайд этилган ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун асосий хом-ашё табиий газдир.

3. Бозор ва маркетинг концепцияси

Кимё саноати халқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан бири бўлиб, кимёвий заводларда ишлаб чиқариладиган моддалар халқ хўжалигининг барча тармоқларида қўлланилади ва кундалик ҳаётнинг барча соҳаларида учрайди. Ҳар қандай мамлакатда кимёвий ишлаб чиқаришни ривожланиши умуман мамлакат тараққиёти билан боғлиқдир.

Қўшимча қиймати юқори бўлган маҳсулотларни экспорт қилиш корхоналарнинг қўшимча фойда олишини таъминлайди.

Бундан ташқари, бундай тармоқларнинг мавжудлиги маълум бир маҳсулотни чет элдан етказиб беришдан мустақилликни кафолатлаши мумкин.

Кенг маънода кимё саноати маҳсулотларининг аксарияти (рўзғор учун кимёвий моддалар ёки қурилиш бўёқлари назарда тутилмаса) аксарият ҳолларда кимёвий корхоналарнинг ўзлари учун хом ашё бўлиб, уларда юқори қийматга эга бўлган маҳсулотлар қайта ишланади. Бир неча босқичлардан кейингина хом ашё охиригистеъмолчига тўқимачилик, ёғочни қайта ишлаш, озиқ-овқат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, машинасозлик ва бошқа барча саноат маҳсулотлари шаклида етиб боради.

Бугунги кунда дунёдаги энг йирик кимёвий корпорациялар дунёнинг етакчи бешталигига кирган Дов Чемисал, ЛёнделлБаселл ва ДуПонт каби америка компаниялари. Улардан ташқари, Қўшма Штатларда 170 йирик кимё корхоналари мавжуд. Уларнинг дунё бўйлаб 1700 та филиали ва 2800 та фабрикаси мавжуд.

Европанинг кимё компаниялари (Ғарбий ва Шарқий Европа, МДҲ мамлакатлари) ҳозирги вақтда маҳаллий хомашё ва бошқа тармоқларнинг чиқиндиларидан фойдаланган ҳолда классик турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича позицияларни эгаллаб, бозорнинг бешдан бир қисмини эгаллаб турибди.

Европа минтақаси дунёдаги кимё маҳсулотларини экспорт қилувчи (42,5%) ва импорт қилувчи (35,3%) ҳисобланади. Углеводородларни ва махсус кимёвий моддаларни чуқур қайта ишлаш маҳсулотлари Европа Иттифоқида сотилишнинг ярмини ташкил этади. Асосий кимёвий моддалар, махсус кимёвий моддалар ва уй кимёвий моддалари экспорт қилинади. Европа Иттифоқи доирасидаги экспорт ташқи экспортга қараганда деярли икки баравар кўп (НАФТА мамлакатлари (АҚШ, Канада ва Мексика) ва Осиё).

Дунёнинг 2000 та энг йирик давлат компанияларининг йиллик Форбес рейтинги СОВИД-19 пандемияси оқибатида юзага келган глобал иқтисодий инқироз кўламини таҳлил қилди.

Глобал 2000 рўйхатига киритилган компанияларнинг аксарияти бозор қиймати 2019 йилда фаолияти тўхтатилиши туфайли, 2020 йил ўтган йилга

нисбатан сезиларли даражада тушиб кетди, кўп компаниялар маҳсулот сотишлари камайди.

Бугунги кунда энг йирик кимё компаниялари қолади:

СИНОПЕК - Хитой интеграция энергия ва кимё компанияси. Ишлаб чиқариш бўйича мамлакатнинг иккинчи йирик нефт-газ компанияси (ПетроЧина компаниядан кейин). Синопес Сорп. Бусинесс нефт ва газни ўрганиш, нефт ва газни ишлаб чиқариш ва ташиш, нефтни қайта ишлаш, нефт-кимё ишлаб чиқариш, минерал ўғитлар ва бошқа кимёвий маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ўз ичига олади.

Нефт-газни қайта ишлаш қуввати бўйича Синопек Корп. дунёда иккинчи, этилен қуввати бўйича тўртинчи ўринда туради.

2018 йил охирида корпорацияга Хитойда нефт ва газ қазиб олиш бўйича умумий майдони 31,6 минг квадрат метр бўлган 219 майдон учун лицензиялар берилди, бундан ташқари, тахминан 525 минг квадрат метр майдонга ега 194 та майдон учун разведка лицензиялари мавжуд еди. Бошқа мамлакатларда корпорация майдони 322,6 кв.км бўлган битта майдон учун лицензияга ега, шунингдек 73 та майдонларда улуши бор.

Корпорация умумий қуввати йилига 293,5 миллион тонна (йилига 2,157 миллиард баррел, кунига 5,9 миллион баррел) бўлган 30 та нефтни қайта ишлаш заводига эгалик қилади. Корпорациянинг чакана савдо тармоғи Хитойдаги энг йирик тармоқ бўлиб, 30 мингдан зиёд ёқилғи қуйиш шохобчаларига эга; 2018 йилда 180 миллион тонна нефт маҳсулотлари сотилди, шундан 70 фоиздан ортиғи Хитойда, даромаднинг тахминан 10 фоизи Сингапурга тўғри келади.

Корпорация умумий қуввати 18,8 миллион кубометр бўлган 353 нефт маҳсулотларини сақлаш омборига эгалик қилади. 2020 йилдаги савдоси 407,0 млрд. доллар.

БАСФ — дунёдаги энг катта кимёвий концерн ҳисобланади. Штаб-квартира Германиянинг Жануби-ғарбий қисмидаги Рейнланд-Палатинатдаги Людвигшафен шаҳрида жойлашган. Концернга тегишли Европа, Америка ва Осиёда 160 шўба корхонаси бор. Концерн дунёнинг 170 давлати билан алоқаларни сақлаб, 7 мингдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқаради. БАСФ ўз маҳсулотларининг 60% ни Европада сотади. 2020 йилдаги савдоси 70,7 млрд. доллар.

САБИК — Сабис (Сауди Басис Индустриес Корпоративон) ҳозирги кунда дунёнинг 40 дан ортиқ мамлакатларида ишлайди. Унинг корхоналари ишчиларининг умумий сони 40 минг кишидан ошади ва унинг активлари қиймати 88 миллиард долларни ташкил этади.

Сабис ИП билан бир қаторда Сабис дунёда полиэтилен ишлаб чиқарувчи учинчи ва полипропилен ишлаб чиқарувчи тўртинчи ўринни эгаллайдиган Сабис Полёлефинс бизнес бўлимига эга.

ДовДуПонт — дунёдаги энг катта кимёвий конгломерат. 2018 йилда компания савдоси 86 миллиард долларни ташкил этди, бошқа ҳар қандай

компанияга нисбатан кўпроқ. Бироқ, 2019 йилнинг 1 июнидан бошлаб, Америка конгломерати учта мустақил кимёвий компанияга булинди: Дов, ДуПонт ва Сортева компанияларга.

ЛёнделлБаселл Индустриес — Американинг нефт-кимё компанияси. Бош қароргоҳи Хюстонда жойлашган. Компания бутун дунё бўйлаб бешта асосий бизнес сегменти орқали фаолият юритади ва полиэтилен ва полипропилен ишлаб чиқариш бўйича етакчилардан бири бўлиб, улар электроника, қурилиш, қадоқлаш, автомобилсозлик ва шу кабида фаол фойдаланилмоқда.

ЛёнделлБаселл — пластик қатронлар ва бошқа кимёвий моддаларни қайта ишлайдиган ва ишлаб чиқарадиган мустақил кимёвий компанияси. У қуйидаги сегментларда ишлайди: олефинлар ва полиолефинлар-Америка; олефинлар ва полиолефинлар — Европа, Осиё, халқаро, оралиқ ва ҳосилалар; илғор полимер эритмалари; қайта ишлаш; ва технологиялар. Америкадаги олефинлар ва полиолефинлар сегменти этилен ва этилен би-маҳсулотлари ҳамда Полиолефинларни ўз ичига олган олефинлар ишлаб чиқаради ва сотади. 2020 йилдаги савдоси 34,7 млрд. доллар.

Митсубиши Чемикал — Митсубиши корпорациясининг таркибий қисмидир. Ўтган йили компания ускуналарни тозалаш ва қоплаш бўйича Германиянинг Слеанпарт Групп компаниясини сотиб олди. Митсубиши илгари ҳам Шинрё шўба корхонаси орқали шу каби хизматларни тақдим этган. 2020 йилги савдо: \$33,4 млрд.

ЛЖ Чем — Жанубий Кореядаги энг йирик кимёвий компания. Бу ЛЖ Группнинг бир қисмидир. Компаниянинг Жанубий Кореяда 8 та ишлаб чиқариш майдони, бошқа мамлакатларда 14 та фабрикаси (шулардан 12 таси Осиёда, 1 таси Полшада ва 1 таси АҚШда), 10 та маркетинг бўлинмалари, 5 та ваколатхоналари (шу жумладан, Москвадаги ваколатхонаси) ва 2 та тадқиқот марказлари мавжуд.

Саноати ривожланган мамлакатлар юқори технологияли махсус материаллар ишлаб чиқаришнинг асосий қисмини инновациялар ва узоқ муддатли мақсадли қайта қуриш орқали жамладилар. Шу билан бирга, кимё саноати учун асосий маҳсулотларнинг асосий етказиб берувчилари сифатида аҳамиятини йўқотмаган йирик саноат корхоналари арзон хом ашё ва арзон ишчи кучи билан таъминланган ҳудудларга фаол равишда кўчирилади.

Жаҳон кимё саноати қиёфасини ўзгартирадиган жиддий омил – Яқин Шарқда нефть-кимё маҳсулотларининг фаол ривожланиши ва Россия маҳсулотларининг баъзи йирик истеъмолчилари, масалан Хитойнинг маҳсулотларни импорт қилишдан ўз ишлаб чиқаришига ва экспортига ўтишидир.

Халқаро экспертлар фикрига кўра, глобал кимё саноатининг йиллик ривожланиш даражаси 3,1%, шу жумладан ривожланаётган мамлакатларда бу кўрсаткич 5,5%, Европа Иттифоқида 2% бўлиши кутилмоқда.

СЭФИС экспертларининг прогнозига кўра, 2030 йилга келиб дунёда кимё ва нефть-кимё маҳсулотларини ишлаб чиқариш 2014 йилга нисбатан деярли икки бараварга ошади ва 6,25 трлн. Евро. Шу билан бирга, Хитой маҳсулотларининг улуши 44 фоизгача кўтарилади.

Хитой, яқин Шарқ ва Жануби-Ғарбий Осиёда кимё саноати ишлаб чиқариш қувватини кенгайтириш ушбу мамлакатларнинг кимё ва нефть-кимё маҳсулотлари жаҳон бозоридаги ўрнини сезиларли даражада ўзгартиради ва харидорлар учун рақобатни кучайтиради.

Катта тоннажли маҳсулотларни (аммиак, полиэтилен, полипропилен ва бошқалар) ишлаб чиқаришнинг замонавий технологик даражаси билан бирлик қувватларини ошириш орқали самарадорликни ошириш имкониятлари деярли тугади (оптимал даражага деярли эришилди).

"Ўзкимёсаноат" АЖнинг ҳозирги босқичдаги асосий вазифаси — ишлаб чиқаришни диверсификациялаш ва юқори қайта ишлашнинг янги маҳсулотларини ташкил этиш.

"Ўзкимёсаноат" АЖ Ўзбекистон Республикаси кимё саноатини ифодаловчи ажралмас корпоратив тузилма.

"Ўзкимёсаноат" АЖ таркибига 9 та йирик саноат корхонаси киради.

2020 йил якунларига кўра бозорбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш 7,3 трлн. сўм, 2019 йилга ўсиш суръати 108,2% ни ташкил этди.

Жаҳон минерал ўғитлар бозорининг нарх сиёсати

Карбамид

Ахборот-таҳлил агентликларининг маълумотларига кўра, 2021 йилнинг январь-май ойларида дунёнинг деярли барча минтақаларида 1 тонна карбамиднинг ўртача нархи 70 долларга ошган. Нархлар ММТС тендери фонида ошмоқда.


Карбамид бозори конъюктураси маккажўхори нархининг ошиши ва тендерда Ҳиндистон катта ҳажмда маккажўхори сотиб олиши туфайли яхшиланди. Бу АҚШ, Бразилия ва Аргентинада карбамидга бўлган юқори талабни кўрсатади.

Кемаларнинг ижара ставкалари олдиндан айтиб бўлмайдиган даражада ўзгара бошлади. Энди юк ташувчиларнинг хизмат нархлари янада қимматлашмоқда, бу эса етказиб берувчилар учун савдо хатарлари ошганлигини кўрсатади. Нархлар кўтарилмоқда, аммо келажакда пасаяди.

Ҳиндистон тендеридан сўнг, гранула кўринишида бўлмаган карбамид учун талабнинг пасайиш даври бўлиши мумкин ҳамда июнь ойида ва ундан кейин етказиб бериладиган партиялар нархи тушишни бошлайди. Шунга қарамай, гранула кўринишидаги карбамид маҳсулоти сотувчилари кўпроқ имкониятларга эга бўладилар. Карбамид фаол мавсумий талабга эга бўлиб,

мавсум ўтиши билан йил охиригача унинг нархи 30-40 долларгача пасайиш эҳтимоли бор.

2021 йил январь-май ойларида карбамид нархи динамикаси



ҚОРА ДЕНГИЗ

Украина портларидан жўнатилган карбамид ҳозир деярли сотилмаяпти. Апрель ойи юклари аллақачон тўлиқ сотилган, фақат Одесса порти заводида май ойида жўнатиладиган маҳсулотлар мавжуд, аммо бу ишлаб чиқарувчи Ҳиндистон тендериди бўлиб ўтадиган савдоларни кутмоқда.

«Днепрот» корхонада 15 майдан бошлаб 1 ой давомида профилактика ишларини олиб боради. Остчем компаниясига тегишли заводлар май ойида ички бозорнинг карбамидга бўлган талабини қондириш билан чекланади ва улар фақат июнь ойида карбамидни экспорт қилишни бошлайди.

БОЛТИҚ ДЕНГИЗИ

Харидорларнинг айтишларига кўра, Россия ишлаб чиқарувчиларида май ойида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг деярли барчаси олдиндан сотиб бўлинган. Одатда, ўғит сифатида экспорт қилинадиган гранула кўринишида бўлмаган карбамиднинг бир қисми энди ички бозорга ёки саноат ишлаб чиқарувчи талабгорларга етказиб берилмоқда.

Аммиакли селитра

ЖАҲОН БОЗОРИ

Грузиянинг аммиакли селитра ўғити ҳанузгача бозорда 1 тоннаси учун (ФОВ Грузия, қопсиз) 235 доллардан сотилмоқда. Россияда ишлаб чиқилган аммиакли селитра 1 тоннаси учун *Болтиқ денгизи портларида* (ФОВ, қопсиз) 225-230 доллардан таклиф этилмоқда. Қора денгиз ва Болтиқбўйи ҳудудларида талаб пастлигича қолмоқда. Туркиянинг «Гемлик» ишлаб чиқарувчиси 1 тонна аммиакли селитра ўғитини (ФОВ Туркия, қопсиз) 275 доллардан таклиф қилмоқда, бироқ хорижий харидорлар 1 тоннасига (ФОВ Туркия, қопсиз) 220 доллардан ортиқ тўлашга тайёр эмас. Бозор савдогарлари томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра, «Торос» уч ҳафта олдин Туркиянинг (ФОВ, қопсиз) тоннаси 240 доллардан сотилган аммиакли селитрасини энди Африкага жўнатмоқда. Оҳакли-аммиакли селитра ва аммиакли селитрага бўлган талаб Ғарбий Европа мамлакатларида ҳамон пастлигича қолмоқда. Европалик ишлаб чиқарувчилар 2022 йил учун ўғитлар нарҳини ҳали белгилаб олганича йўқ.

Калий хлорид.

Европада гранулали калий хлориднинг нарҳи ўзгармади, АҚШда эса котировкалар пасайган, чунки кўплаб харидорлар керакли ҳажмларни сотиб олиб бўлишган. Асосан, Жануби-Шарқий Осиёда ушбу маҳсулот энг камида 1 тоннаси 280 доллардан таклиф этилади. Бироқ пальма ёғи ишлаб чиқариладиган мамлакатларда ҳозирда ўтказиладиган тендерлар бирмунча камайганини ҳисобга олсак, бу нарх қанчалик барқарорлигига ҳали яна бир қарра ишонч ҳосил қилиш керак.

Турли асосий савдо ҳудудларида калий хлорид нарҳлари ўртасидаги ортиб бораётган тафовут кейинги бир неча ой ичида йўқолмаслиги ойдинлашмоқда. АҚШ ва Европа мамлакатларида нарҳнинг ошиш истиқболлари минималдир, чунки кўпчилик харидорлар зарур бўлган ҳажмларни аллақачон харид қилиб бўлишган. Бироқ Бразилия ва Жануби-Шарқий Осиёда нарҳнинг ўсиши таклифнинг чекланганлиги туфайли давом этади, Жануби-Шарқий Осиёда эса нарҳлар яқинда бўлиб ўтадиган харидлар тендерлари билан боғлиқ бўлади.

ХИТОЙ

Баҳорги тупроқни ўғитлаш мавсуми якунланганлиги сабабли мамлакатимиз ички бозорида маҳсулотга бўлган талаб барқарор. НПК ўғити ишлаб чиқарувчилари ўз маҳсулотларига бўлган талабнинг пастлиги сабабли калий хлоридни одатдагидан кам миқдорда сотиб олдилар. Портлардаги захиралар бир ҳафта олдинги 2,4-2,45 миллион тоннадан 2,5 миллион тонна миқдорида кўпайиб кетди. Портлардаги омборларда озуқавий моддалар миқдори 62% бўлган рус оқ калий хлорид ўғити нарҳи бир ҳафта олдинги 2550 юань/т.дан 2550-2560 юань/т.гача кўтарилди. Портларда гранулаланган маҳсулот нарҳи ўзгаришсиз қолди ва 2350 юань/тоннани ташкил этди. Бироқ талабнинг кучлилиги, таклифнинг

